

## **МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЎСИМЛИКЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИГА БОҒЛИҚЛИГИ**

**Алиқулов С.М., Буриев Х.Ч.**

*Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти*

**Аннотация:** Мақолада мамлакатларнинг ўсимликлар хилма-хиллигига боғлиқлиги тўғрисида қимматли маълумотлар чуқур илмий таҳлил қилингандан ҳолда келтирилган. Шунингдек мақолада, дунё минтақаларининг ўсимликлар хилма-хиллигига боғлиқлиги баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Генетик ресурслар, биохилма-хиллик, глобал ўзгаришлар, атроф-муҳит, табиий ресурслар.

Саноати ривожланган давлатларда рўй берган иқтисодий ўсиш жараёнлари бутун дунёга ҳукмронлик қилишга интилаётган ушбу давлатларнинг фаровонлик ҳамда куч-қудратини мисли кўрилмаган даражада оширди. Бундай тенденциялар, давлатларни «бой» ва «қашшоқ»га ажратадиган ва ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол ўртасида номутаносибликни келтириб чиқараётган тафовут йирик сиёсий зиддиятлар ва табиий фалокатларга олиб келиши мумкин.

Ривожланган мамлакатнинг ўртача статистик фуқароси бир кунда овқатга 50 доллардан зиёд пул сарфласа, Жанубий Осиёнинг 265 миллион ва Саҳрои Кабир жанубида жойлашган мамлакатларнинг 289 миллион аҳолиси бир кунда 1 доллардан кам маблағ сарфлайди.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 1994 йилда Ер шари аҳолиси 5,5 миллиард кишини ташкил этган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 9-10 миллиардга етади. Ҳар йили дунёда 90 миллион чақалоқ туғилмоқда, уларнинг 6 миллиони айни пайтда 800 миллион киши тўйиб овқат емаслик ҳамда очарчиликдан қийналаётган ривожланаётган мамлакатларда дунёга келмоқда. Шу сабабли бутун дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми экин майдонларининг ўзгармаслиги ёки қисқариши, суғориладиган деҳқончилик имкониятлари чекланганига қарамадан, йилига 5 фоизга ошиши даркор. Дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қимматбаҳо хусусиятларга эга янги навлар ҳисобидан кўпайиши ва бунга генетик хилма-хил ўсимликлар мавжуд бўлган шароитдагина эришиш мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Шу муносабат билан ўсимликлар гермоплазмасининг бой ва хилма-хил базасидан фойдаланиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар ўз генетик ресурсларининг иқтисодий аҳамияти ва қийматини эътиборга олган ҳолда, уларни, масалан, ўсимликлар гермоплазмасини олиб чиқишни тақиқлаш орқали химоя қилишга доир тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Жумладан, Нигерия ҳукумати буғдой ва илдизмевали ўсимликларнинг барча навларини, шунингдек, уларни қайта ишлаш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни мамлакат ташқарисига чиқарилишини тақиқлади ва ушбу иш билан шуғулланиш контрабанда сифатида кўриб чиқилади. Бунинг учун қонунга мувофиқ мол-мулк мусодара қилиниб, умрбод қамоқ жазоси тайинланади. Бразилия, Эквадор, Эфиопия, Эрон ва Ироқдан дастлаб мамлакат иқтисодиёти учун қимматбаҳо бўлган гермоплазмани олиб чиқиш тақиқланди.

Албатта, ҳар бир суверен давлат ўз гермоплазмасини экспорт қилиш учун чегарасини ёпиш ҳуқуқига эга. Шунини таъкидлаш жоизки, МДҲ ҳам, биринчи навбатда, сиёсий-мафкуравий нуқтаи назардан дипломатик ёки иқтисодий муносабатлар ўрнатмаган давлатлар билан генетик ресурслар алмашишни ман этган. Биохилма-хилликка бой Исроил, Корея Республикаси, Албания, Гватемала, Парагвай, ЖАР ва бошқа мамлакатлар шулар жумласидан.

## 1-YO'NALISH: AGROBIOXILMA-XILLIKNI O'RGANISH, SAQLASH VA BOYITISHI MUAMMOLARI

Собиқ иттифоқ мутахассислари учун Хитой, Покистон, Индонезия, Яман ва дунёнинг бошқа айрим давлатлари худудидан ўсимликлар ресурсларини тўплаш ёки олиш узоқ йиллар давомида қийин бўлган.

Глобаллашув шароитида генетик ресурслар гермоплазмасини сақлаш муаммоси барча мамлакатларнинг дунё биохилма-хиллигига боғлиқлиги муносабатли алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, ривожланаётган мамлакатларнинг 69 фоизи ўсимликлар генетик ресурсларини бошқа давлатлардан экспорт қилади. Аслида эса замонавий дунёнинг бирорта ҳам давлати бугунги кунда фақат маҳаллий ўсимликлар хилма-хиллигига асосланадиган бўлса, илгор ва рақобатдардош қишлоқ хўжалигини таъминлай олмайди.

Ақшнинг бир гуруҳ олимлари П.И.Вавиловнинг (1960) маданий экинларнинг келиб чиқиши ва географияси ҳамда П.М.Жуковскийнинг (1985) мегамарказлар ҳақидаги назариясига асосланган ҳолда, дунё мамлакатларининг агробιοхилма-хилликка боғлиқлиги бўйича қизиқарли тадқиқот ўтказган. Улар ФАОнинг дунё мамлакатларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бўйича маълумотлари ва йилик нашрларини атрофлича ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида дунё минтақаларининг ўсимликлар хилма-хиллигига боғлиқлигини аниқлади (1-жадвал).

Тадқиқот муаллифлари ўз ғоясини ривожлантириб, Хитой-Япония, Индонезия-Ҳиндухитой, Ҳинд, Ғарбий-Марказий Осиё, Африка ва Лотин Америкаси минтақаларида фақат озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ўсимликлар гермоплазмасининг 95 фоиздан ортиғи тўплангани, агробιοхилма-хилликнинг 43 фоизига эга Шимолий Америка, Австралия, Ўртаер денгизи ва Европа-Сибир минтақасида (Япониядан ташқари) жаҳон озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизи ишлаб чиқарилиши ҳақида хулосага келди.

*1-жадвал*

### *Дунё минтақаларининг ўсимликлар хилма-хиллигига боғлиқлиги*

№	Минтақа	Минтақанинг боғлиқлиги, %	
		Озиқ-овқат экинлари	Техник экинлар
I	Хитой-Япония	62,8	91,6
II	Индонезия-Ҳиндухитой	33,2	56,4
III	Австралия	100	100
IV	Ҳинд	43,6	92,7
V	Ғарбий-Марказий Осиё	30,8	95,5
VI	Ўртаер денгизи	98,2	74,9
VII	Африка	87,7	77,7
VIII	Европа-Сибир	90,8	100
IX	Лотин Америкаси	55,6	72,1
X	Шимолий Америка	100	84,7

Мамлакатлар ва минтақаларнинг жаҳон биохилма-хиллигига ўзаро боғлиқлиги бугунги кунда глобал муаммоларни ҳал этиш учун генетик ресурсларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни тақозо этадиган муҳим омилдир.

Шундай қилиб, глобаллашув жараёнларининг айрим ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг биоресурсларни сақлаш ҳамда фойдаланиш муаммосига таъсирини аниқлаш ва тизимли таҳлил қилиш асосида қуйидаги муҳим хулосаларга келиш мумкин:

- жаҳон ҳамжамиятининг генетик ресурсларни биргаликда ва мувофиқлаш-тирилган саъй-ҳаракатлар билан сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланишнинг глобал стратегик аҳамияти ва муҳимлигини англаши;
- генетик таназулнинг кучайиши ва биохилма-хилликнинг камайиши, мамлакатлар ва умуман, дунёда озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда унинг ролини ошириш;
- энг сўнги илм-фан ва техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда, яқуний маҳсулот яратишда биохилма-хиллик компонентлари ролини ошириш;
- биохилма-хиллик компонентларидан чекловсиз ва эркин фойдаланишни талаб қиладиган саноат ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиб бораётган тармоқлари ва агробизнесга ТМКларни жалб этиш;
- саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида таракқиёт суръатларидаги тафовутнинг кескин ошиши;
- умумий иқтисодий инқироз туфайли биохилма-хилликни сақлаш ва ўрганиш учун давлат томонидан молиялаштириш даражасининг камайиши ва бошқалар.

**Адабиётлар**

1. Conflicts, agriculture and food security *II* The state of Food and Agriculture. FAO, 2000. P. 69-97.
2. Consultation with the IARC of the CGIAR and other Relevant International Institutions on the Agreements to be signed with the Governing Body of the ITPGRFA. CGRFA-MIC-1/02/8. 2002. P. 1-7.
3. COP VI. Decision VI/24. The Hague, 2002. Appendix II.
4. COP VI. Strategic Plan for the CBD. Decisions VI/26. The Hague, 2002.
5. Correa CM. Sovereign and Property Rights over PGR *I* I Extraordinary Session of FAO. 1994. P. 9-12.
6. Correa CM. Access on Genetic Resources and Intellectual Property Rights *II*.
7. Background Study Paper. Commission on the PGRFA. 1999. № 8. P. 1-24.